

Мисрлик энг ёш хаттот Қуръон ёзиш учун рухсат олди



09:30 / 20.02.2021 2136

Миср хаттотлари иттифоқининг раҳбари Масад Хизр Пурсайд Ал-Вади университетда араб тилини ўрганаётган энг ёш 19 ёшли хаттот Абдул Карим Муҳаммад Марканга Қуръон ёзиш учун имтиёз ва рухсат берди. Бу ҳақда Al Ahram янгиликлар сайти хабар берди.

«Қуръонни Наш хаттотлиги билан ёзиш болалиқдан орзу эди, Қуръонни хаттотлик билан ёзиш учун лицензия олиш қатъий қоидаларни талаб қилади ва эстетика ҳамда янги ёзув услубини ўз ичига олади», - дея таъкидлайди Маркан.

У Эбу-Таштдаги араб хаттотлик мактабида хаттотлик санъатини ўрганган ва тез орада интилувчанлиги эвазига устозлик мақомига эришган. Ҳозирда

шу мактабда шифокорлар ва муҳандисларга каллиграфиядан дарс беради.

Миср хаттотлари уюшмасининг раҳбари: «Марканда хаттотлик маҳорати юқори эканлиги, у бу санъатда алоҳида истеъдод эгаси бўлиши ва Наш қаторида Қуръон ёзиш учун рухсат олишга лойиқлигини» таъкидлаган.

Хуршид Маъруф тайёрлади